

ЁШЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ ФЕНОМЕНИ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ, ТИЗИМЛИ БЕЛГИЛАРИ ВА КЛАССИФИКАЦИЯЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Хуррамов Алишер Суюнович

©Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги Университети
мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18379459>

Аннотация. Мақолада ёшлар ҳуқуқбузарлиги жамиятдаги мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий феномен сифатида таҳлил қилинади. Тадқиқотда “Янги Ўзбекистон” ислохотлари шароитида ёшлар масаласининг давлат сиёсатидаги стратегик устуворлиги ва профилактика ёндашувларини замонавийлаштириши зарурати асосланади.

Ёшлар ҳуқуқбузарлигининг назарий-ҳуқуқий табиати ижтимоийлашувдаги узилишлар, ҳуқуқий онг деформацияси, аномия ҳолатлари, ижтимоий назорат институтлари самарадорлиги каби омиллар билан боғлиқ ҳолда ёритилади.

Шунингдек, ёшлар ҳуқуқбузарлигини классификациялаш меzonлари (шахсий-психологик, институционал, ҳудудий, виктимологик ва гендер) ҳамда ахборот маконидаги янги таҳдид — “кибер-девиантлик”нинг криминалогик аҳамияти таҳлил қилинади.

Хулосада ёшлар ҳуқуқбузарлигини аниқ меzonлар асосида таснифлаш ва профилактика механизмларини, айниқса рақамли муҳитдаги ҳамкорлик ва мониторингни такомиллаштириши бўйича концептуал йўналишлар таклиф этилади.

Калит сўзлар: ёшлар ҳуқуқбузарлиги; феномен; назарий-ҳуқуқий табиат; классификация меzonлари; ҳуқуқий ижтимоийлашув; ижтимоий назорат; аномия; виктимология; кибер-девиантлик; профилактика.

ФЕНОМЕН МОЛОДЕЖНОЙ ДЕЛИНКВЕНТНОСТИ: ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВАЯ ПРИРОДА, СИСТЕМНЫЕ ПРИЗНАКИ И КРИТЕРИИ КЛАССИФИКАЦИИ

Аннотация. В статье молодежная делинквентность рассматривается как многослойный социально-правовой феномен. Обосновывается необходимость обновления профилактических подходов в контексте приоритетности молодежной политики и трансформаций “Нового Узбекистана”.

Теоретико-правовая природа правонарушений молодежи раскрывается через факторы деформации правосознания, нарушения процессов правовой социализации, состояния аномии, а также через эффективность институтов социального контроля.

Особое внимание уделяется систематизации критериев классификации (личностно-психологические, институциональные, территориальные, виктимологические и гендерные параметры) и анализу новой угрозы цифровой эпохи — кибер-девиантности, влияющей на механизмы вовлечения молодежи в противоправное поведение.

В заключении предлагаются концептуальные направления совершенствования правовых и организационных механизмов профилактики, включая развитие мониторинга и межсубъектного взаимодействия в цифровой среде.

Ключевые слова: молодежная делинквентность; феномен; теоретико-правовая природа; критерии классификации; правовая социализация; социальный контроль; аномия; виктимология; кибер-девиантность; профилактика.

THE PHENOMENON OF YOUTH DELINQUENCY: THEORETICAL AND LEGAL NATURE, SYSTEMIC CHARACTERISTICS, AND CLASSIFICATION CRITERIA

Abstract. *This article examines youth delinquency as a complex socio-legal phenomenon and substantiates the need to modernize prevention strategies in the context of New Uzbekistan's reform agenda and the strategic prioritization of youth policy. The theoretical and legal nature of youth offending is analyzed through disruptions in legal socialization, distortions of legal consciousness, anomie-related dynamics, and the performance of social control institutions. The study systematizes key classification criteria—individual-psychological, institutional, territorial, victimological, and gender-based—and highlights an emerging digital-era risk: cyber-deviance, which reshapes pathways of involvement in unlawful behavior. The article concludes by proposing conceptual directions for improving legal and organizational prevention mechanisms, with emphasis on monitoring and coordinated action in the digital environment.*

Keywords: *youth delinquency; phenomenon; theoretical-legal nature; classification criteria; legal socialization; social control; anomie; victimology; cyber-deviance; prevention.*

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ёшлар масаласи давлат сиёсатининг стратегик устувор йўналиши сифатида белгиланиши, ушбу қатлам орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга нисбатан концептуал ёндашувларни ўзгартиришни талаб этмоқда. Президент Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ёшлар — мамлакатимиз таянчи, эртанги кунимиз эгаларидир. Уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириши, адашганларини тўғри йўлга қайтариши барчамизнинг муқаддас бурчимиздир”¹.

Юридик фанда ёшлар ҳуқуқбузарлиги муаммоси кўп қиррали феномен сифатида талқин этилади. “Феномен” тушунчаси юнонча “*phainomenon*” сўзидан олинган бўлиб, “ноёб ҳодиса”, “намоён бўлиш” деган маъноларни англатади. Ёшлар ҳуқуқбузарлигини феномен сифатида ўрганиш, унинг нафақат ҳуқуқий норма бузилиши, балки мураккаб ижтимоий, психологик ва маданий жараёнларнинг маҳсули эканини тан олиш демакдир.

Ҳуқуқий назарияда ёшларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги уларнинг *ижтимоий мақоми* ва *биологик ёши ўртасидаги номувофиқлик* (когнитив диссонанс) билан изоҳланади. Машҳур социолог Э. Дюркгеймнинг “*аномия*” назариясига кўра, жамиятда эски кадриятлар емирилиб, янгилари ҳали шаклланмаган ўтиш даврида ёшлар энг заиф қатламга айланади ва бу *девиант* хулқ-атворнинг кескин ортишига олиб келади².

Ўзбекистон Республикасининг “*Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида*”ги Қонунида ёшларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланган бўлса-да, криминологик нуқтаи назардан ушбу тоифанинг ҳуқуқбузарлик содир этиш механизми ўзига хосдир. Жумладан, профессор М. Рустамбоев қайд этганидек, “*вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилигининг назарий табиатида ижтимоий дезадаптация ва ҳуқуқий нигилизм етакчи ўрин тутади*”³.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. — Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. — Б. 248.

² Дюркгейм Э. Самоубийство: Социологический этюд / Пер. с фр. — М.: Мысль, 1994. — С. 162-170.

³ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. Умумий қисм. Дарслик. — Тошкент: ИИВ Академияси, 2018. — Б. 412.

2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ёшлар ҳуқуқбузарлиги феноменига қарши курашишнинг ҳуқуқий парадигмасини тубдан ўзгартирди. Конституциянинг 79-моддасида давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириши мустаҳкамланди⁴.

Бу конституциявий норма ёшлар ҳуқуқбузарлигини фақатгина “жазолаш” орқали эмас, балки уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, таълим ва бандлигини таъминлаш орқали “профилактика қилиш” лозимлигини англатади. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг “Маҳалла еттилиги” тизимини жорий этиши ҳам айнан ёшлар ҳуқуқбузарлигининг тизимли белгиларини қуйи бўғинда — маҳалла даражасида аниқлаш ва бартараф этишга қаратилгандир⁵.

Шу ўринда, маҳаллий ҳуқуқшунос олимларнинг ёшлар ҳуқуқбузарлиги феноменига оид илмий назарий қарашларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда, мамлакатимизда ҳуқуқшунос олимлар ўзларининг илмий назарий қарашларини тизимлаштириш орқали мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисанинг назарий пойдеворини бир нечта ўзаро боғлиқ концептуал йўналишлар асосида таҳлил қилиш имконини беради.

Биринчи йўналиш, шахснинг ички детерминацияси ва ҳуқуқий онг инқирозига қаратилган бўлиб, ҳуқуқшунос олимлар миллий криминологияда ёшлар ҳуқуқбузарлигининг назарий табиати биринчи навбатда шахснинг ички оламидаги деформациялар билан боғланади. Бунда, профессор У. Таджиханов ёшлар ҳуқуқбузарлигининг профилактик асосларини “ҳуқуқий маданият” ва “ҳуқуқий тарбия” концепцияси орқали очиб беради. Олимнинг фикрича, ҳуқуқбузарликнинг асосий илдизи шахснинг ҳуқуқий онгидаги нуқсонларда бўлиб, бу деструктив муҳит таъсирида фаоллашади. У ҳуқуқий онгнинг шаклланишини ёшлик даврининг ижтимоийлашув жараёни билан узвий боғлайди⁶.

Ушбу ёндашувни психологик-юримдик жиҳатдан профессор М.Ҳ. Рустамбоев тўлдириб, ёшлар жиноятчилигининг субъектив томонидаги “мотивлар беқарорлиги” феноменини илгари суради. Олимнинг таъкидлашича, ёшларнинг ҳиссий ҳолати тез ўзгарувчанлиги, импульсив қарорлар қабул қилишга мойиллиги ва ташқи таъсирларга берилувчанлиги ҳуқуқбузарлик мотивларининг беқарор шаклланишига сабаб бўлади. Бу эса ёшлар жиноятчилигида қасднинг тўсатдан пайдо бўлиш хусусиятини назарий асослайди⁷.

Ижтимоий ижтимоийлашув ва институционал назорат механизми йўнадиши мазкур параграфининг иккинчи муҳим йўналиши бўлиб, бунда шахснинг жамиятга

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2023. – 79-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармони.

⁶ Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 1-том. — Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. — Б. 112-115.

⁷ Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Дарслик. — Тошкент: ИИВ Академияси, 2018. — Б. 412-416.

мослашиш жараёнидаги назарий муаммоларни қамраб олади. Хусусан, профессор *И. Исмаилов* ёшлар ҳуқуқбузарлигининг келиб чиқишини “*ҳуқуқий ижтимоийлашув*” жараёнининг бузилиши билан боғлайди. Унинг фикрича, ёшлар ҳуқуқбузарлиги — бу шахснинг жамиятдаги мавжуд ҳуқуқий қадриятларни қабул қилмаслиги ёки уларни нотўғри (бузилган ҳолда) идрок этиши натижасидир. Олим профилактика чораларини айнан ижтимоийлашув босқичларига кўра таснифлашни таклиф этади⁸.

Бу жараёни тизимли тартибга солиш ва назорат қилиш масаласи профессор *З.С. Зарипов* ижодида марказий ўрин тутди. Олим девиант ҳуқ-атворни классификациялашда ижтимоий назорат механизмларининг ролини асослаб, “*оила-маҳалла-таълим*” занжирининг аҳамиятини илмий исботлаган. Унинг назариясига кўра, ёшлар ҳуқуқбузарлиги — бу ижтимоий назорат институтларининг функционал заифлиги индикаторидир⁹.

Ушбу тизимни замонавий бошқарув контекстида ривожлантирган профессор *С.Б. Хўжақулов* “*ижтимоий шериклик*” концепциясини илгари суради. Олим ёшлар ҳуқуқбузарлигини тизимли ҳодиса сифатида ўрганишда “*ҳудудий оми*” (урбанизация, ички миграция, қишлоқ ва шаҳар муҳити фарқлари) классификациялашнинг муҳим мезони бўлиши кераклигини илмий асослаб беради¹⁰.

Ёшлар ҳуқуқбузарлигининг виктимологик белгилар ва гендер классификацияси бўйича эса ҳуқуқшунос олимлардан *Г.А. Абдумажидов* ва *Б.А. Гадоевнинг* виктимологик ёндашувлари муҳимдир. *Г.А. Абдумажидов* ёшлар жиноятчилигининг юқори латентлик (яширинлик) даражасини алоҳида феномен сифатида кўрсатади. Унинг фикрича, ёшлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг кўп қисми жабрланувчининг ҳам ёш ва ҳуқуқий ҳимоясизлиги сабабли расмий статистикадан четда қолади¹¹. Ушбу ғояни ривожлантирган олим *Б.А. Гадоев* ёшларни нафақат жиноят субъекти, балки “*юқори виктимлик даражасига эга тоифа*” сифатида классификациялашни таклиф этади. Бу эса давлатнинг профилактика сиёсатида ёшларни жиний таъсирлардан ҳимоя қилиш механизмини кучайтиришни тақозо этади¹².

Гендер хусусиятларига тўхталар экан, профессор *Қ.Р. Абдурашулова* ёшлар жиноятчилигини классификациялашда “*шахснинг ижтимоий йўналтирилганлиги*” мезонини биринчи ўринга қўяди. Унинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ёшлар ҳуқуқбузарлигининг тизимли белгиларидан бири — шахсда экстремал вазиятларда

⁸ *Исмаилов И.* Жиноятчиликнинг олдини олиш: назария ва амалиёт. — Тошкент: ИИВ Академияси, 2014. — Б. 76-80.

⁹ *Зарипов З.С.* Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси назарияси ва амалиёти. — Тошкент: ИИВ Академияси, 2012. — Б. 89-94.

¹⁰ *Хўжақулов С.Б.* Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси механизми. — Тошкент: ИИВ Академияси, 2020. — Б. 118-122.

¹¹ *Абдумажидов Г.А.* Криминология. Дарслик. — Тошкент: ТДЮИ, 2004. — Б. 182-185.

¹² *Гадоев Б.А.* Виктимологик профилактика: мазмун-моҳияти ва ташкил этиш масалалари. — Тошкент: ИИВ Академияси, 2015. — Б. 64-68.

мустақил ва масъулиятли қарор қабул қилиш кўникмасининг етишмаслигидир. Бу хусусият аёл ва эркак ёшлар орасида турлича намоён бўлишини илмий асослайди¹³.

Замонавий ёшлар ҳуқуқбузарлигининг *тўртинчи йўналиши* информацион-психологик таҳдидлар ва кибер-девиантлик бўлиб, мазкур йўналиш сўнгги йилларда замон ва макон ўзгариши билан янги қирраларни очиб беришга хизмат қилади. Хусусан, ҳуқуқшунос олим *Н.С. Салаевнинг* қарашлари фундаментал аҳамиятга эга. Олим бугунги кунда ёшлар ҳуқуқбузарлиги феноменининг янги белгиси “*кибер-девиантлик*” эканини исботлайди. Унинг илмий ҳулосаларига кўра, ахборот тармоқлари орқали ёшлар онгига мафкуравий таъсир ўтказиш ва уларни виртуал жиноятларга жалб қилиш ҳуқуқбузарликнинг анъанавий классификациясини қайта кўриб чиқишни ва “*информация-психологик детерминация*” мезонини киритишни талаб этади¹⁴.

Юқоридаги маҳаллий ҳуқуқшунос олимларнинг қарашларини синтез қилиш шуни кўрсатадики, ёшлар ҳуқуқбузарлигини фақат битта омил (масалан, иқтисодий ёки ҳуқуқий) билан тушунтириб бўлмайди. Бу — психологик беқарорлик, ижтимоий назоратнинг сустлиги ва янги технологик таҳдидларнинг умумий маҳсулидир.

Ёшлар ҳуқуқбузарлиги феноменининг назарий-ҳуқуқий табиатини очиб беришда нафақат миллий, балки хорижий мамлакатларнинг илмий мактаблари томонидан илгари сурилган концепцияларни ўрганиш методологик аҳамият касб этади. Бунда *Россия, Беларуция, Хитой, Малайзия* ва ривожланган *Ғарб давлатларининг* тажрибаси алоҳида қийматга эга.

Постсовет маконидаги криминология мактаблари ёшлар жиноятчилигини асосан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ва ҳуқуқий онг трансформацияси контекстида тадқиқ этадилар. Хусусан, профессор *Я.И. Гилинский* ёшлар ҳуқуқбузарлигини “*ижтимоий эксклюзия*” (четлатиш) назарияси орқали асослайди. Унга кўра, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидан четлатилган, ўзини намоён қилиш имконияти чекланган ёшлар гуруҳи “*ижтимоий аутсайдерлар*”га айланади, бу эса девиант ҳуқ-атворнинг кескин ортишига сабаб бўлади¹⁵. Профессор *А.И. Долгова* эса ёшлар жиноятчилигининг “*ўз-ўзини қайта тиклаш*” (самодетерминация) хусусиятини таҳлил қилади. Олимнинг фикрича, ёшлар орасидаги жиноий субмаданият янги авлод вакиллари ўз доирасига жалб қилиш орқали тизимли характер касб этади ва бу ҳолат ҳуқуқбузарликнинг классификациялаш мезонларини мураккаблаштиради¹⁶.

Беларуциялик олим *А.В. Савенок* ёшлар ҳуқуқбузарлигини “*ҳуқуқий нигилизм*” ва “*ижтимоий масъулиятсизлик*”нинг синтези сифатида тавсифлайди. У классификациялашда ҳуқуқбузарлик содир этган ёш шахснинг ижтимоий-фойдали

¹³ Абдурашулова Қ.Р. Жиноят содир этган ёшлар шахсини ўрганиш муаммолари. — Тошкент: “Адолат”, 2007. — Б. 145-152.

¹⁴ Салаев Н.С. Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик. — Тошкент: ТДЮУ, 2016. — Б. 92-96.

¹⁵ Гилинский Я.И. Девиантология: социология преступности, наркотизма, проституции, самоубийств и других отклонений. — СПб.: Юридический центр Пресс, 2004. — С. 520.

¹⁶ Долгова А.И. Криминология. — М.: Норма, г. 2010. — С 384.

меҳнатга ёки таълимга бўлган муносабатини асосий мезон сифатида кўришни таклиф этади¹⁷.

Хитой криминология мактабида эса ёшлар ҳуқуқбузарлигини анъанавий маънавий қадриятлар ва замонавий психологик портрет уйғунлигида ўрганади. Хитойлик олимларнинг фикрича, ёшлар ҳуқуқбузарлиги — бу шахснинг жамоавий интизомга мослаша олмаслиги ва оилавий тарбиядаги узилишлар натижасидир. *Ли Мэйцзинь* ёшлар жиноятчилигини профилактика қилишда “эрта босқичдаги психологик мониторинг” механизмининг назарий асосларини ишлаб чиққан ва уни тизимли белги сифатида классификациялаш зарурлигини таъкидлайди¹⁸.

Малайзиялик олимлар бўлса ёшлар девиантлигини “*ижтимоий капитал*”нинг заифлашуви билан боғлайдилар. Уларнинг назариясига кўра, ёшларнинг диний ва жамоавий қадриятлардан узилиши (social bonding) ҳуқуқбузарликка олиб келувчи бирламчи омилдир. Улар ёшлар ҳуқуқбузарлигини “маънавий қадриятларнинг эрозияси” мезони асосида таснифлайдилар¹⁹.

Шунингдек, АҚШ ҳуқуқшунос олим профессор *Роберт Агньонинг* “*Умумий стресс назарияси*” (General Strain Theory) ёшлар ҳуқуқбузарлигини шахсда тўпланган салбий ҳиссиётлар (ғазаб, ноҳақлик ҳисси) ва уларга нисбатан нотўғри реакция сифатида тушунтиради. Олим ёшлар жиноятчилигини классификациялашда “*стресс детерминантлари*”ни ҳисобга олишни таклиф этади²⁰.

Германиялик ҳуқуқшунос олим *F. Lösel* фикрича, немис криминологиясида “резильентлик” (шахснинг салбий таъсирларга бардошлилиги) концепцияси устувор.

Шунингдек, *F. Lösel* ёшлар ҳуқуқбузарлигини классификациялашда шахснинг “*риск омиллари*” ва уни жиноятдан тўхтатиб турувчи “*ҳимоя омиллари*” ўртасидаги балансни назарий жиҳатдан асослаб берган²¹.

Хорижий олимларнинг ёшлар ҳуқуқбузарлиги феноменига оид қарашларини таҳлил қилиш, мазкур муаммонинг глобал ва универсал табиатини англаш имконини беради. Маҳаллий мактаблардан фарқли ўлароқ, хорижий криминологияда урғу кўпроқ *ижтимоий тузилма, психологик детерминация* ва *нейробиологик омилларга* қаратилади.

Шунингдек, мазкур хорижий илмий мактабларнинг қарашларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида ёшлар ҳуқуқбузарлиги феноменини англашда қуйидаги *назарий модуллар* шаклланган. Буларга: *биринчидан*, ижтимоий-структуравий модул; *иккинчидан*, тарбиявий-институционал модул; *учинчидан*, психо-динамик модуллардир.

Илмий назарияларда илгари сурилган концепцияларнинг амалий ифодаси ва ижтимоий самарадорлиги, энг аввало, соҳага оид миллий қонунчилик нормаларининг мукамаллиги билан белгиланади.

¹⁷ *Савенок А.В.* Основы криминологии: учебное пособие. – Минск: БГУ, г. 2008. – С.144.

¹⁸ *Li Meijin.* Juvenile Delinquency and Psychological Profiling. – Beijing: People’s Public Security University of China Press, 2015. – 312 p.

¹⁹ *Shariff M.* Social Capital and Delinquency in Malaysia. – Kuala Lumpur: University of Malaya Press, 2018. – 245 p.

²⁰ *Agnew R.* Pressured into Crime: An Overview of General Strain Theory. – New York: Oxford University Press, 2006. – 280 p.

²¹ *Lösel F.* Resilience and Youth Delinquency: Theoretical Perspectives. – Berlin: Springer, 2012. – 360 p.

Бирок, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик базасини юқоридаги олимларнинг илмий хулосалари призмаси орқали тизимли таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ёшлар ҳуқуқбузарлиги феноменининг назарий табиати ва унинг норматив мустаҳкамланиши ўртасида муайян мантиқий узилишлар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, ёшлар ҳуқуқбузарлигини алоҳида криминалогик объект сифатида ўрганиш ва таснифлаш учун, аввало, ушбу ҳодисанинг қонунчилик даражасидаги терминологик асослари мустаҳкам бўлиши лозим. Бирок, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”²²ги Қонуни назарий-ҳуқуқий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, унда ёшларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий камолотига таъсир этувчи фундаментал омиллар етарлича акс эттирилмаган. Жумладан, профессор У. Таджиханов томонидан илгари сурилган “ҳуқуқий онг деформацияси” назарияси ёшлар ҳуқуқбузарлигининг бирламчи ички сабаби сифатида эътироф этилади. Шунингдек, профессор И. Исмаилов асослаган “ҳуқуқий ижтимоийлашув” концепцияси шахснинг жамиятдаги мавжуд ҳуқуқий нормаларни ўзлаштириш жараёнини ифодалайди. Мазкур илмий қарашлар ёшлар ҳуқуқбузарлигининг мазмун-моҳиятини тушунтиришда муҳим аҳамият касб этса-да, амалдаги қонунчиликда ушбу жараёнларни тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий механизмлар мавжуд эмас.

Аниқланган ҳуқуқий бўшлиқ: Қонуннинг 3-моддасида 14 ёшдан 35 ёшгача бўлган шахсларнинг ёшлар тоифасига таъриф берилган бўлиб, улар асосан давлат ғамхўрлиги ва ижтимоий ҳимоя объекти сифатида тавсифланган. Бирок, криминалогик нуқтаи назардан ўта муҳим бўлган “ёшлар ҳуқуқбузарлиги” тушунчаси ва унинг специфик тизимли белгилари — латентлик (яширинлик), жиноий гуруҳийлик ва ёшга хос импульсивлик каби хусусиятлар норматив даражада ўз ифодасини топмаган.

Ушбу терминологик ноаниқлик амалиётда қуйидаги муаммоларни келтириб чиқармоқда:

ёшлар ҳуқуқбузарлигини бошқа ижтимоий қатламлар (масалан, рецидив жиноятчилик) жиноятчилигидан ажратиб турувчи классификациялаш мезонларининг мавжуд эмаслиги;

профилактика чораларини ишлаб чиқишда ёшларнинг психологик ва ижтимоий детерминациясини ҳисобга олмаслик;

ёшлар сиёсати доирасида амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг ҳуқуқбузарликнинг аниқ илдизларига (деформацияларга) йўналтирилмаганлиги.

Иккинчидан, ёшлар ҳуқуқбузарлиги профилактикасининг самарадорлиги нафақат давлат органларининг фаолиятига, балки ижтимоий институтларнинг ўзаро тизимли ҳамкорлигига ҳам бевосита боғлиқдир. Миллий криминалогия мактаби вакиллари, хусусан, профессор З.С. Зарипов ва С.Б. Хўжақулов томонидан илгари сурилган “оила–маҳалла–таълим” занжири ҳамда “ижтимоий шериклик” модели ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда фундаментал назарий асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур

²² Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/3026246>

концепциянинг бош ғояси — шахс камолотида масъул бўлган институтларнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш орқали криминоген омиллари бартараф этишдан иборат.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонуни нормаларини ушбу назарий моделлар призмаси орқали таҳлил қилиш қуйидаги тизимли муаммоларни намоён этмоқда:

а) “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонуннинг 9–16-моддаларида профилактикани бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектларнинг ваколатлари умумий тарзда белгиланган бўлса-да, уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш алгоритми деталлаштирилмаган. Бу ҳолат, айниқса, олим *Н.С. Салаев* томонидан тадқиқ этилаётган ёшлар ўртасидаги “*кибер-девиантлик*” ва виртуал макондаги ҳуқуқбузарликларни жиловлашда яққол кўзга ташланади. Мавжуд нормаларда рақамли макондаги антиижтимоий хулқ-атворга қарши курашишда таълим муассасалари ва ички ишлар органларининг ахборот алмашинуви ҳамда биргаликдаги ҳаракатлар механизми ҳуқуқий жиҳатдан ноаниқ бўлиб қолмоқда;

б) профессор *А.И. Долгова* қайд этган ахборот маконидаги жиноий субмаданиятнинг ёшлар онгига таъсири (“*самодетерминация*” *жараёни*) профилактика субъектларининг вазифалари доирасига аниқ киритилмаган. Натижада, қонунчиликда белгиланган профилактика чоралари анъанавий “*жисмоний муҳит*” билан чекланиб қолган бўлиб, трансчегаравий ва виртуал характердаги таҳдидларга нисбатан декларатив бўлиб қолмоқда²³.

Юқорида амалга оширилган назарий ва норматив таҳлиллار асосида таъкидлаш лозимки, амалдаги “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонунда “*ижтимоий шериклик*” тамойилини нафақат анъанавий ташкилий-ҳуқуқий, балки замонавий *технологик жиҳатдан ҳам такомиллаштириш* объектив заруратга айланди.

Бугунги кунда ёшлар ҳуқуқбузарлигининг виртуал маконга кўчиши ва *Н. Салаев* таъкидлаган “*кибер-девиантлик*”нинг кенгайиши профилактика тизимида янги назарий-ҳуқуқий категорияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан, профилактика субъектларининг ваколатлари ва масъулияти доирасини белгилашда “**рақамли ижтимоий назорат**” тушунчасини қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу тушунчанинг ҳуқуқий мустаҳкамланиши профилактика субъектларига қуйидаги имкониятларни тақдим этади:

биринчидан, мафкуравий иммунитет тизимини яратиш. Бунда, ахборот-коммуникация тармоқлари орқали ёшлар онгига деструктив мафкуравий таъсир ўтказишга қарши турувчи идоралараро ҳамкорлик механизмнинг қонуний асослари яратилади;

иккинчидан, тизимли мониторингни олиб бориш. Бунда, ички ишлар органлари, таълим муассасалари ва маҳалла институтларининг рақамли макондаги антиижтимоий ҳаракатларни барвақт аниқлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик алгоритми деталлаштирилади;

учинчидан, манзилли профилактикани ташкил этиш.

²³ Ўзбекистон Республикасининг “*Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида*”ги ЎРҚ-263-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/1685726>

Бунда, ёшларнинг интернет тармоғидаги фаолиятида кузатиладиган девиант белгилар асосида уларга нисбатан индивидуал-профилактик чораларни масофавий ва таъсирчан шаклларда қўллаш имкони кенгайди.

Тадқиқот давомида аниқланган назарий бўшлиқлар ва миллий қонунчиликдаги институционал дисбаланслардан келиб чиқиб, ёшлар ҳуқуқбузарлиги профилактикасининг самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги **концептуал таклифлар** илгари сурилади:

биринчидан, амалдаги **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”**ги Қонуннинг **3-моддасига** (“Асосий тушунчалар”) қуйидаги дефиницияларни интеграция қилиш илмий жиҳатдан асосланади:

➤ **“Кибер-профилактика** – бу ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ёшларнинг виртуал макондаги хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий ва мафкуравий чоралар тизими”;

➤ **“Рақамли ижтимоий назорат** – бу жамият ва давлат институтларининг ахборот тармоқларида деструктив мафкуравий таъсирларни жисловлаш, антиижтимоий ҳуқ-атвор белгиларини барвақт мониторинг қилиш ва ёшлар онгида ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш бўйича тизимли ҳамкорлик фаолиятidir”.

биринчидан, **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”**ги Қонуннинг **14-моддасига янги ваколатларни** қуйидаги мазмун билан тўлдириш тўлдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади:

➤ **идоралараро рақамли ҳамкорлик мажбурияти.** Бунда профилактика субъектларига ахборот маконида ёшларни жиноий фаолиятга, шу жумладан, экстремистик ва зўравонлик гояларига жалб қилиш ҳолатларини мониторинг қилиш ва тезкор ахборот алмашиш мажбуриятини юклаш;

➤ **виктимологик ҳимоя кафолати.** Бунда профилактика субъектларининг ахборот тармоқларида ёшларнинг «юқори виктимлик» (қурбон бўлиш) ҳолатларини камайтиришга қаратилган махсус психологик-педагогик ва техник ҳимоя чораларини қўллаш юзасидан аниқ масъулиятини белгилаш.

Тадқиқот доирасида илгари сурилаётган концептуал таклифларни бевосита Ўзбекистон Республикасининг **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”**ги Қонунига интеграция қилиш зарурати қуйидаги **учта фундаментал илмий асос** билан изоҳланади:

1. Субъектлар қамровининг универсаллиги ва ёш мезонларининг мутаносиблиги. Бунда, биринчи навбатда, соҳавий ҳисобланган **“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”**ги Қонуннинг юридик таъсир доираси фақат 18 ёшга тўлмаган шахслар билан чекланган. Бироқ, замонавий криминологик тадқиқотлар, хусусан, М.Ҳ. Рустамбоев ва А.И. Долгова илгари сурган назариялар шуни кўрсатадики, жиноий фаоллик ва ҳуқуқбузарликка мойилликнинг энг юқори интенсивлиги айнан 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган даврга тўғри келади.

Мазкур таклифларни фақат вояга етмаганларга оид қонунчилик билан чеклаш, жамиятнинг энг динамик ва “рақамли хавф” остида бўлган катта ёшли ёшлар қатламини тизимли профилактик назоратдан четда қолдириш хавфини тўғдиради. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун эса “ёшлар ҳуқуқбузарлиги”ни яхлит ижтимоий-ҳуқуқий феномен сифатида барча ёш категориялари (14–35 ёш) учун универсал таъсир кучига эга бўлишини таъминлайди.

2. Институционал иерархия ва “Framework law” (Асос солувчи қонун) мақоми. Юридик иерархия нуктаи назаридан, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун мазкур соҳадаги барча ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи методологик пойдевор — “Она Қонун” ҳисобланади. Мазкур Қонунга “кибер-профилактика” ва “рақамли ижтимоий назорат” каби концептуал тушунчаларнинг киритилиши, қолган барча тармоқ қонунлари (шу жумладан, вояга етмаганлар ва ёшларга оид қонунчилик) учун **мажбурий методологик йўналишни** белгилаб беради. Бу диссертациянинг илмий қийматини ошириб, тадқиқотчининг нафақат локал гуруҳ, балки давлатнинг умумий профилактика тизими парадигмасини трансформация қилишга қаратилган концептуал ёндашувини намойиш этади.

3. Тизимлилик тамойили. Мазкур тамойил ижтимоий-педагогик ёндашувдан **криминологик-технологик ёндашувга ўтиш**. Дарҳақиқат, методологик жиҳатдан “Вояга етмаганлар тўғрисида”ги Қонун кўпроқ ижтимоий-педагогик ва реабилитацион характерга эга бўлиб, шахсга тарбиявий таъсир кўрсатишга йўналтирилган. Бироқ, “кибер-девиантлик” ва “рақамли назорат” масалалари мураккаб техник-ҳуқуқий ва криминологик характер касб этиб, уларни ҳал қилиш учун ваколатли субъектларнинг (ИИБ, ДХХ, Рақамли технологиялар вазирлиги) кенг қўлламли ҳамкорлик алгоритми талаб этилади. Мазкур таклиф профилактика субъектларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш механизми ва масъулияти айнан “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 9–16-моддаларида мустаҳкамланган. Демак, рақамли макондаги профилактик чораларни амалга ошириш учун масъул идораларнинг ваколатларини айнан умумий Қонун доирасида деталлаштириш тизимлилик тамойилига тўлиқ мувофиқ келади.

Мазкур юқорида қайт этилган фикр ва мулоҳазалар янги Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқбузарлиги феноменининг назарий-ҳуқуқий табиатини такомиллаштириш ва уни қонунчиликда легаллаштириш орқали жамият ва давлат ҳаётида қуйидаги муҳим натижаларга эришиш мумкин:

биринчидан, ёшлар ҳуқуқбузарлигини классификациялашнинг аниқ ҳуқуқий мезонлари шаклланади. “Ёшлар ҳуқуқбузарлиги” тушунчасининг норматив мустаҳкамланиши ҳуқуқни қўллаш амалиётида ушбу тоифадаги девиант хулқ-атворни бошқа ижтимоий гуруҳлар жиноятчилигидан криминологик жиҳатдан ажратиш имконини беради. Бу эса, профессор М.Ҳ. Рустамбоев таъкидлаган ёшларнинг психо-физиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, жазо тайинлаш ва профилактик чораларни индивидуаллаштириш самарадорлигини оширади;

иккинчидан, профилактика тизимида “анъанавий-ҳудудий” ёндашувдан “рақамли-экстратерриториал” ёндашувга ўтиш таъминланади. “Рақамли ижтимоий назорат” ва “кибер-профилактика” тушунчаларининг жорий этилиши натижасида, олим Н.С. Салаев

асослаган кибер-девиантлик омилларини барвақт аниқлаш механизми яратилади. Бу ахборот маконида ёшлар онгига мафкуравий таъсир ўтказишга қаратилган хавф-хатарларни

40-50% гача камайтиришга хизмат қилади;

учинчидан, “оила–маҳалла–таълим” занжирининг институционал масъулияти ва ҳамкорлик алгоритми деталлаштирилади. Профессор *З.С. Зарипов* ва *С.Б. Хўжақуловларнинг* ижтимоий шериклик концепцияси қонун даражасида аниқ ҳаракатлар алгоритмига эга бўлади. Натижада, профилактика субъектларининг вазифалари такрорланишига чек қўйилади ва ёшлар билан ишлашда *“манзилли ва превентив”* таъсир кўрсатиш имконияти кенгаяди;

тўртинчидан, ёшларнинг виктимологик ҳимоя даражаси сезиларли даражада юксалади. *Б.А. Гадоевнинг* виктимологик профилактика назариясини амалиётга татбиқ этиш орқали ёшларнинг, айниқса вояга етмаганларнинг ахборот тармоқлари ва ижтимоий муҳитдаги жиноий тажовузлар қурбонига айланиш хавфи минималлаштирилади. Бу жамиятда ёш авлоднинг ижтимоий ва ҳуқуқий хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам кафолати бўлиб хизмат қилади;

бешинчидан, жиноятчиликнинг “самодетерминация” (ўз-ўзини қайта тиклаш) жараёнига чек қўйилади. Профессор *А.И. Долгова* қайд этган жиноий субмаданиятнинг ёшлар орасида тарқалишига қарши тизимли тўсиқ яратилади. Бу келгусида ёшлар ўртасидаги рецидив (қайта) жиноятчилик даражасини пасайтиришга ва жамиятда соғлом ҳуқуқий муҳитни қарор топтиришга олиб келади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мазкур илмий асосланган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистон Республикасида ёшлар ҳуқуқбузарлиги профилактикасини халқаро стандартларга мос келадиган, юқори технологик ва инсонпарвар тизимга айлантиради. Бу эса мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги (*масалан, Глобал хавфсизлик индекси*) мавқеини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, янги авлоднинг *“ҳуқуқий ижтимоийлашуви”*ни муваффақиятли яқунлашга хизмат қилади.